



## ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

*(6-кисм)*

Сиз ҳам ҳеч шунака ҳолатга тушасизми? Дейлик, бирор киши етти ухлаб тушингизга ҳам кирмаган. Аммо танишган захотингиз ўша одамнинг чехрасими, килигими, гап-сўзими ром килади-колади. Хатто унинг кусурлари ҳам кўзингизга фазилат бўлиб кўринаверади. Баъзан эса аксинча. Буниси бир кўришдаёқ хафсалангизни пир килади, калтакесакка рўпара бўлгандай сесканиб оласиз. У сизга ҳеч қандай ёмонлик килмаса ҳам, ўзингизни

мажбур этсангиз хам, жинингиз суймай тураверади.

Бугун мен шунака ахволга тушиб колдим. Бу йигит чойхонага бир ошнаси билан кириб, ялпайиб ўтириб олган дакикадан гашимни келтира бошлади. Йўк, афти-ангори одамни хуркитадиган хунук эмас. Ок юз, зулукдек коп-кора мўйлов, огзи тўла тилла тиш, лабининг чеккасидаги кичкина тиртигини хисобга олмаса, хусни Юсуф. Пўрим кийинган: эгнида ок кўйлак, чўнтаклари сурма занжирли ажнабийча шим, кўлида хафтанинг кунигача кўрсатадиган гаройиб соат. Башарасидан, ўзини тутишидан камлик кўрмай ўсгани сезилиб турибди. Тили бурро, бир гапириб ўн кулади.

Шериги одмигина кийинган. Рангпар, кулсаям, кайгурсаям юзи ўзгармайди. Хаёлчан, гохо ёнидаги шеригининг гапларига маъюс жилмайиб кўяди. Ишим бўлмагани учун уларнинг гапларига жимгина кулок солиб ўтирбман. Аммо терс ўгирилиб олганман.

Мамарайим ака неча бор "бировнинг гапини эшитиш гунох" танбех беради. Шундай бўлса хам ўзимни тия олмайман. Ахир мен хаётни ўрганишим керак-да! Тиртикли олифта тинмай сайрайди. Шериги чой майдалаб, эринмай унинг гапини маъкуллаб ўтирибди. Харчанд ўзимни чалгитай дейману, бўлаётган гап-сўзларни ташлаб туриб кетолмайман.

– ... кейин десанг, бояги шляпа олдига солиб диккиллашиб олиб кетди-ку. Бозоркумнинг идорасида ўтирволиб, бирпасда бир кулоч актни ёпиштириб ташлади. Мундок карасам, иш чаток! Олдини олмасам, холимга маймунлар йиглайдиган. Ялинишга ўтдим. Иккинчи кайтарилмайди, деб касам ичиб турибман, атрофида чархпалакман, йўк! Зангар темирдан ясалганми, мик этмайди-я! "Бораверасиз!", дейди. Унинг гапи кулогимга "пора берасиз" деб эшитилибди. Жун сотволишга берилган пулни санамай хаммасини столга агдардим. Нима бўлганини тушунмаганми, кўзини ола-кула килиб менга каради. "Олаверинг, хамир учидан патир, камига яна карздормиз", дедим. Бирдан ранги деворга ўхшаб колди. Бечоранинг ё касали борми, ёки хеч ким бунака "чўг" чўзмаган эканми, хушидан кетиб колди-ёв. Харкалай икки кўли ёнга осилиб тушди, ўзи курсининг суянчигига капишган, тили гўлдирайди, холос. Кочмаган номард, дедиму актни чангаллаб уриб бердим. Кейин бўлган воқеани братга айтувдим, назаримда тинчитиб юбордилар... Шунака ошна, биз хам пулни осонликча топаётганимиз йўк. Заготовкачилик назарга кирмасаям, пули лўгит. Уйда бўлса хотинвой нима дейдилар, дегин. Ишимни ташлармишман. Мендан доим жуннинг хиди кеп турармиш. Вой, хомкалла-ей! Пули ширину ўзи сассик бўп колдими? Бир бозорда топган пулимга бочкаси билан тоза атир келади, овсар, деб пешонасига битта чертдим. Мана шунака, жуннинг оркасидан тирикчилик килиб юрибмиз-да, ошна! Хўш, ўзининг ишларинг калай? Халиям ўша трестингда тупрокка беланиб юрибсанми?

– Бўлмаса каерда ишлардим, сохам шунака-ку. Сенга ўхшаб жун йигишга укувим йўк, – деди ошнаси гаши келиб.

– Э, бунга ўкиш-пўкишнинг кераги йўк. Пул санашни билсанг, бўлди. Бозор айланасан. Жун опкелган соддарогини топасан. Килосини уч сўмдан килиб кўясан. Шерикларинг хам келишиб олгандай шундан ошмай тураверади. Охири ноилож сотади. Сен уни машинага юклайсану фабрикага еттидан ўтказасан. Хар килосидан тўрт сўмдан коладими? Юз кило топширсанг, тўртта юзталик нақдми? Чўнтак каппайган, димог чоғ, юриш бир хафтагача байрамдагидай. Лекин сенга айтсам, сигаретдан ол! Ие, чекмасдинг-а, хай, майли. Мен сенга айтсам, осон топилган пул тез йўк бўларкан. Кўпи дўндикчага сарф бўлиб кетяпти-да. Хай майли, бу дунёда ўйнаганимиз колади.

– Нима, хотининг пулга ўчрокми? – ийманиб сўрайди шериги.

– Вох-ха-ха. Роса учрашган эканмиз-ку! Нима, бирортаси билан халигидака, нима дерди, ха, ишрат килмаганмисан, дейман? Соддасан, дўстим. Мактабдаги соддалигинг халиям колмапти. Хасан акангнинг топганлари бир кечалик фаришталарга кетиб коляпти, тушундингми? Хотиннинг йўриги бошка. Хаммаёгини бут килиб кўйсанг, болаларига ўралашиб ўтираверади.

– Ха, тушунарли, харомдан келаётган пул харомга кетаётган экан-да!

– Тўхта, тўхта, нима дединг? Хали биз харомхўр бўп колдикми? Синифдошлигинг хурмати бор, бўлмаса шу гапинг учун суробингни созлаб кўярдим-да, – деди олифта кизишиб. Кейин яна вайсашга тушди:

– Хай, майли. Шу дегин, якинда бир фалокатимни аритди. Машинани пашша кўнса оёги тойиб йикиладиган даражада ялтиратиб кўчада кетаётсам, бекатда биттаси турибди. Жа зўр нарса! Шундоқкина оёгига тўхтатиб, битта сигнал чалиб кўйдим. Эшикни очиб, “кайси томонга борасиз ака”, деди. Вой, вой, овозининг ширинлигини! “Сиз какка десангиз, ўша ёкка-да”, дедим. Кулиб машинага ўтирди. Пешонадаги ойнадан секин назар солдим. Юрагини китиклаб кўрдим: “Бу куёв тўра сизни бегона машинада

кўрсалар, гап тегиб колмайдими?" "Йўг-е, нега?" – деди у аввал довдираб. Кейин ўзини ўнглаб олди. – Ажрашганимизга бир йил бўлдию".

Ўзим ҳам шу гапни кутиб турувдим-да. Боши очиклигини билиб олдим, булбулигўё бўлиб кетибман. Аввал уни кўкларга кўтариб роса мактабман. Навоиданми, Машрабданми шеър ҳам ўқиворибман. Ёканини сезиб, "сизга атаб ўзим тўкидим", девордим. Латифанинг охори тўкилмаганидан айтиб, кулдириб турибман. Ўзиям роса тобида экан-ми, беш чакиримча юрмаёк эриб, кечкурун мехмон киладиган бўлиб колди. "Уйда ўзингиз турасизми", десам, "ўгилчам билан", деди. "Ха, бунинг йўриги осон экан. Битта шакалат билан ота-бола бўлволамиз", дедим дўмининг олдида тушириб, хайрлашдим.

Кечкурун хотинга "гапга кетяпман, эшикни эртарок беркитиб ол", дея тайинлаб йўлга тушдим. Дўконга кириб юлдузи ва медали кўп битта коняк, уч кути шакалат харид килдим. Пари минг ишваю ноз-карашма билан кутиб олдилар. Дидинг чаккимас Хасанбек, деб столга ўтирдим. Чўнтакдан шакалатни чиқариб, ўглини сўрадим. Богчада экан, кўшнига тайинлаб юборибди. Базм бошланиб кетди. Халатини хилпиратиб у ёгимдан ўтади: "Хасанжон ака, дастурхонга каранг", бу ёгимдан ўтади: "Хасанжон ака, канака овкат килай?". "Хасан акангнинг жони садака, акагинанг ўргилсин", дейман. Шунакада яйраб кетиб, топганингни оёгига сочворганингни билмай коласан-да... Ангишвонадай кадахларга коняк куйиб олиб турипмиз. Пари янаям очилиб кетганлар, нак сукинг киради. Бош кизиб, юракларнинг калити ўнгга айланиб колди. Гапга солиб ўтириб, кўлимнинг секин белига юбордим. Авайлабгина олиб кўйди. Шунака нозлисини яхши кўраман-да! "Хали эрта" дегандай кўзларимга сузилиб бокди. Унинг бу карашидан коним Колумбиядаги вулкондай кайнаб турибди. Ана шунака дил изхори килиб ўтирувдик, ўгли кириб келди.

Мени кўрдию, эшикнинг олдида хайкалдай котиб колди. Хўмрайганини айтмай, еб кўяман, дейди. Буни сезиб, онаси хижолат бўлиб кетди;

– Келдингми, Рустам, амакинг билан сўрашмайсанми? – деди.

У ковок-тумшугини осилтириб, бош чайкади:

– Менга амаки керакмас.

– Кани хўроз, кўришиб кўяйлик-чи! – деб кўл узатдим. – Мана, сенга кўпгина шакалат опкелганман.

– Мен шоколад емайман, – дейди.

Индамай хонасига ўтиб кетди. Оркасидан абаси кирди. Хамон кайсар тирмизакнинг йиги аралаш бакириши эшитилиб турибди: "Кетсин, ойи, айтинг, мен унака амакиларни ёмон кўраман", дейди нукул. Таъбим тиррик бўлди. Хай, майли, шуниси хам яхши, бўлмаса рўпарамда ўтирволиб гашимга тегарди, деб ўзимни овутдим.

Хуллас, соат неча бўлган, билмайман, эшикнинг гумбирлашидан уйғониб кетдим. Пари халатини илиб, эшикка югурди. Мен майкамни чўнтакка тикиб, кўйлакни кийиб, шай турибман. Юрак пўкиллайди! Нима гаплигини билай деб, икки кадам босувдим-ки, парининг "вой болам" деганини эшитиб колдим. Эшикнинг олди гала-говур. Секин кулок солсам, боласи балкондан ўзини пастга ташлаганмиш. Тунги сменадан кайтаётган одам кўриб қолибди. Ўлмаган шекилли, кимдир "тез ёрдам" чакирганини айтиб колди. Шарманда бўлмай туёкни шикиллатсинлар, мулла Хасан, дедиму кани энди туфлини кияолсам. Бояги тирмизак менда етмиш йиллик касоси бордай роса хунарини кўрсатибди. Ўзини ташлашдан олдин туфлимни кийма-кийма килиб ташлабди. Курсининг суянчигида осиглик колган кастюмнинг чўнтагини киркибди, тугмаларини узибди, камига елкасидан бир шиша сиёхми, алламбалони куйворибди. Кайта кия олмадим. Аммо ўша пайтда булар кўзга кўринармиди? Шарманда бўлиб колмай, деб ялангоёк бўлсаям кочиб колдим. Мана шунака, ошна, базмларнинг шундай закускалари хам бўлиб туради. Жон койитмасанг жонона кайда, дейишган-ку!

– Бола тузалиб кетдими? – сўради шериги ачиниб.

– Э, жиннимисан, болангиз тузукми, деб кўргани чикайми? Бехуда галвага кимнинг тоби бор, – деди олифта бамайлихотир

Шу ерга келганда менинг коним кайнаб кетди. Огзини тўлдириб мактанаётган олифтани роса савалагим келди. Аммо кучим етмаслигини сезиб, ўзимни тийдим. Бунинг устига

чайхонада тўполон чикса, Тога газабланиши мумкин. Аламимдан олифтани чайхонадан хайдашга қарор қилдим. Индамай бориб, олдидаги чайнак-пиёлаларни йигиштира бошладим.

– Ха, ука, тинчликми, ичида чай бор-а! – деди олифта ажабланиб.

– Тинчлик. Хозир чайхонани тозалаймиз, – дедим бепарво холда.

– Бошқалар ўтирибди-ку!

– Хозир уларни ҳам чиқарамиз! – дедим бўш келмай. У бир пас пўнгиллаб ўтирди. Кейин менга ўкряя-ўкряя шеригини бошлаб чиқиб кетди.

Боланинг фожиаси мени тамоман қарахт қилиб қўйган эди. Олифтани хайдаб, хумордан чиқаман, деб ўйловдим. Барибир дилим ёришмади. Ўзимни орийтли болақай олдида айбдордек хис эта бошладим. Айрим одамларнинг онанинг енгилтаклигига қарши исён қўтариб, ўзининг ширин жони қўзига қўринмаган ўша укажонимчалик хамияти йўқлигидан қаттиқ ўқиндим.

*(Давоми бор...)*

**Ахмад МУХАММАД ТУРСУН**